# **Ш А Р Т Н О М А № 16/11**

Урганч шахар «16» Ноябрь 2022 йил

**"Urganch Umum Muhandis" Х/К** бундан буён матнда «Бажарувчи» деб аталувчи номидан
(корхона, муассаса, ташкилот номи)
қурилиш фаолиятини амалга оширувчи **М.А.Исмаилов** бир томондан
(Мансаби Ф. И. О.)
ва **"Ўзбекистон Бадиий академияси тасарруфидаги Хоразм ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернати"** бундан буён матнда «Буюртмачи» деб аталувчи
(Корхона, муассаса. ташкилот номи)
номидан фаолият курсатувчи **К.Я.Бекчанов** иккинчи томондан, қуйидагилар тўғрисида ушбу
(мансаби, Ф. И. О.)
шартномани тузишди .

## 1. Шартнома предмети

1.1. «Бажарувчи» ўзига тегишли хизматни «Буютмачи» нинг хизмати қилиб (доимий хўжалик юритувчи ёки бутунлай бошқарувига) беради. «Буютмачи» эса хизматнинг хақи тўлангандан кейин олиш мажбуриятини олади.

1.2. «Бажарувчи» мазкур шартнома **"Ўзбекистон Бадиий академияси тасарруфидаги Хоразм ихтисослаштирилган санъат мактаб - интернатини жорий таъмирлаш бўйича"** шартларига кура:
«Бажарувчи» жорий таъмирлаш ишларини бажариш мажбуриятини олади. «Буютмачи» эса «Бажарувчи» жорий таъмирлаш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни кабул килиш ва туловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

## 2. Шартнома нархи, баҳоси, суммаси (қиймати)

2.1. Шартноманинг умумий қиймати ККС билан **93 241 039.00**
**( Тўқсон уч миллион икки юз қирк бир минг ўттиз тўққиз ) сўм** ни ташкил қилади.

## 3. Тўлов шартлари

3.1. «Буютмачи» «Бажарувчи»нинг ҳисоб - рақамига шартномада кўрсатилган хизмат миқдори суммасининг 30 фоизини олдиндан _5_ банк иш кунида ўтказишни ўз зиммасига олади. Қолган 70 фоизи хизмат тўлиқ етказиб берилгандан кейин ўтказишни ўз зиммасига олади.

3.2. Тўлов тури тўлов топшириқнома билан банк орқали
(тўлов талабномаси, тўлов топширикномаси, чек аккредетив ва бошқалар)

## 4. Шартноманинг бажарилиш муддати

4.1. Шартноманинг 1.2-бандида кўрсатилган хизмат «Буютмачи»га шартнома имзолангандан кейин _50_ кун вақт ичида берилиши шарт.

4.2. Шартноманинг амал қилиш муддати: 2022 йил «16 » Ноябрьдан, 2022 йил «31» декабргача ўз кучида қолади.

## 5. Тарафлар ҳуқуқлари

5.1. «Буютмачи»нинг ҳуқуқлари:

5.1.1. Ушбу шартнома асосида белгиланган хизматларни ўз вақтида ва сифатли хизматни етказишни «Бажарувчи»дан талаб қилишга;

5.1.2. «Бажарувчи»дан шартнома шартларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик натижасида етказилган зарарни талаб қилишга ҳақлидир.

5.2. «Бажарувчи»нинг ҳуқуқлари: 5.1.1. Ушбу шартнома асосида белгиланган хизматлар учун олдиндан хақ тўлашни ва амалдаги шартнома ва қонун хужжатларида белгиланган тартибда хисоб-китобларни амалга оширишни «Бажарувчи»дан талаб қилишга;

5.1.2. «Буютмачи»дан шартнома шартларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик, хизматни қабул қилишда асоссиз равишда рад қилиш натижасида етказилган зарарни талаб қилишга ҳақлидир.

## 6. Тарафлар мажбуриятлари

6.1. «Бажарувчи» мажбурияти: 6.1.1. Шартномада кўрсатилган талабларга риоя қилган ҳолда ўз вақтида «Буютмачи»га хизматни етказиб бериш;

6.1.2. Тегишли даражада сифатли хизмат кўрсатилганлиги тўғрисида билдириш (хабарнома) олгандан сўнг сифатли бўлмаган хизматни 3 кун ичида алмаштириб бериш ёки ушбу шартноманинг 2-бандига асосан сифатли бўлмаган хизмат баҳосини қайтариб бериш.

6.2. «Буютмачи» мажбурияти:

6.2.1. Хизматни қабул қилиш далолатномасини тузган ҳолда ушбу шартномада ва қонун хужжатларида белгиланган бутлаш тартибига, сонига, сифатига қараб муддатида хизматни қабул қилиб олиш;

6.2.2. Тегишли даражада сифатли бўлмаган хизмат кўрсатилгани аниқлангандан кейин, бу хақда далолатнома ёзилиб _8_ соат ичида Бажарувчини огохлантириш.

6.2.3. Хизматнинг баҳосини ушбу шартномада белгиланган миқдорда ва муддатда тўлаш.

## 7. Тарафлар жавобгарлиги

7.1. Хизмат кўрсатиш вақтида риоя қилмаганлиги учун айбдор тараф бошқа тарафга етказилган зарарни тўлик қоплайди ва 0,1 миқдорда пеня тўлайди.

7.2. «Бажарувчи» хизматни тўлик етказиб бермаганлиги учун «Буютмачи»га етказиб берилмаган хар кун учун хизмат баҳосидан _0,1__ фоиз пеня тўлайди.

7.3. Шартнома талабларида кўрсатилган сифатлардаги хамда бутлашдаги хизмат берилмаган бўлса, айбдор тараф __0,1___ миқдорида пеня тўлайди.

7.4. Тегишли даражада сифатли бўлмаган хизматни ўз вақтида алмаштиришдан бош тортса, «Бажарувчи» _10%_ миқдорда жарима тўлайди.

7.5. Хизмат учун «Буютмачи» ўз вақтида ёки тўлиқ тўловни маблағ миқдоридан __0,1__ фоиз пеня тўлайди, лекин _30%_ миқдордан ошиб кетмаслиги керак.

7.6. «Бажарувчи» томонидан ўз вақтида хизмат кўрсатилмаса, агар бу томонларнинг келишувига асосан кўзда тутилган бўлса, «Буютмачи» хар бир ўтказиб юборилган кун учун «Бажарувчи»га кўрсатилган хизматдан келиб чиққан зарарни ва _10%_ миқдорида жарима тўлайди.

7.7. Жарима тўлаш тарафларни шартномадаги мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

## 8. Форс-мажор ҳолатлари

8.1. Ҳеч бир тараф иккинчи тараф олдида ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ва енгиб бўлмас куч мавжуд бўлган тақдирда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас. Уруш эълон килиниши ёки бошланиши, фуқаролар тартибсизлиги, эпидемия, эмбарго, ер қимирлаши, сув тошқини, ёнғин ва бошқа табиий офатлар шулар жумласидандир.

8.2. Агар бартараф қилиб бўлмайдиган куч уч ой узлуксиз давом этса, тарафлар, бир-бирини ёзма равишда огоҳлантириб, шартноманинг ижросини бекор қилиши мумкин.

## 9. Низони ҳал қилиш тартиби

9.1. Ушбу шартномада ёки унга боғлиқ масалалар юзасидан келиб чиқадиган барча низолар энг аввало тарафларнинг келишуви билан ҳал қилинади.

9.2. Тарафларнинг келишуви билан ҳал қилиб бўлмайдиган низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иктисодий суд орқали ҳал қилинади.

## 10. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиби

10.1. Ушбу шартномага киритилган барча ўзгартириш ва қўшимчалар фақат иккала тараф томонидан ёзма равишда тузилиб, имзо қўйилгандан кейингина юридик кучга эга бўлади.

10.2. Шартномани тарафларнинг ўзаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тўлаган ҳолда муддатидан илгари бекор қилиши мумкин.

## 11. Бошқа ҳолатлар

11.1.Ушбу шартнома иккала тараф учун бир хил юридик кучга эга, икки нусхада тузилган.

11.2. Тарафларнинг бошқа талаблари: ________________________________

11.3. Шартномага илова: ________________________________

## 12. Тарафларнинг юридик манзилгоҳи ва тўлов реквизитлари

| «БАЖАРУВЧИ» | «БУЮРТМАЧИ» |
|---|---|
| **“ Urganch Umum Muhandis” х.к** | Ихтисос. санъат мактаб интернати |
| Манзил: Урганч шахри Ж.Мангуберди 2 пр 10 уй | Манзил: Урганч шаҳар |
| Х/с: 20208000400677564001 | Тел: 22-9-38-61 |
| ИНН: 304237279 | Ш/х: 100021860334017092300051001 |
| Банк: Урганч шахар Халк банк | ИНН: 202482161 ОКОНХ-92310 |
| МФО: 00808 | Молия Вазирлиги Ғазначилиги |
| Телефон рақам: +998997726779 | Банк: Марказий Банк Тошкент ш. |

________________ **М.А.Исмаилов** (Имзо, Ф.И.О.)

________________ **К.Я.Бекчанов** (Имзо, Ф.И.О.)

Юрист: ________________